



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чўка бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 132 (9.935)

2003 йил 8 июль

МОҲ: САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

XXI саҳоси
Барча мақбаладан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- Вазирлар Маҳкамасининг Алоқа ва ахборот телекоммуникация технология масалалари, Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Курилиш, қурилиш материаллари саноати, уй-жой-коммунал хўжаликлари ва транспорт мажмуаларининг жорий йилнинг ўтган олти ойи якунларига бағишланган йиғилишлари бўлиб ўтди.
- «Обод маҳалла йили» дастурига мувофиқ ўтказилаётган «Соғлом оила» спорт мусобақасининг Қорақалпоғистон босқичи якунланди.
- Қорақалпоғистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси ҳузурида «Гаров жағмараси» иш бошлади. У 11 миллион сўмгача кредит олишда тadbиркорларга гаров кафолатини беради.
- Бухоро вилояти галлакорлари давлатга 142 миң тоннадан зиёд дон топшириб, йиллик шартнома-режани бажарди.
- Бухорода фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди. Олот тумани марказида «Олоттекс» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси фаолият бошлади.
- Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар залида Рустам Худойберганаевнинг шахсий кўргазмаси очилди.
- Баскетбол бўйича эркалар ўртасида Ўзбекистон чемпионати якунланди. Тошкентнинг МХСК-1 жамоаси мамлакат чемпионлигини кўлга киритди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун шу йил 5-6 июль кунлари Алматы шаҳрида бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида таъкидлаганидек, бундан қарийб бир ярим йил муқаддам Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизида «Марказий Осиё ҳамкорлиги» деган мутлақо янги шаклдаги демократик тузилма ташкил этилганди. Иқтисодийта оид масалалар билангина чекланиб қолган илгариги иқтисодий ҳамжамиятдан фарқли ўлароқ, ушбу ташкилотнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унга аъзо тўрт мамлакат эндиликда нафақат иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, балки сиёсий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш учун пайдо бўлган янги имкониятлардан унумли фойдаланмоқда.

«Марказий Осиё ҳамкорлиги» (МОХ) ташкилотини ту-

зиш юзасидан Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентлари 2001 йилнинг декабрида Тошкент учрашувида эришган келишув 2002 йил февраль ойида Алматы саммитида расмий таъсис ҳужжати имзоланиши билан ҳаётга татбиқ этилди. Ушбу ташаббус соҳиб Ислам Каримов ўшанда янги ташкилотга раис этиб сайланди. Ўзбекистон томони раҳбарлик қилган даврда МОХга аъзо мамлакатлар президентлари 2002 йил 6-7 июль кунлари Оқтовда (Қозоғистон), 5-6 октябрда Душанбеда (Тожикистон), 27 декабрда Остонада (Қозоғистон) учрашди.

Бу галги Алматы саммити мазкур ташкилот доирасидаги бешинчи олий даражадаги учрашув бўлди. Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлисида, шунингдек, кенгайтирилган таркибдаги йиғилишида, аввало, «Марказий Осиё ҳамкорлиги»нинг ўтган даврдаги фаолияти сарҳисоб этилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Польша Республикасига расмий таширифи тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Польша Республикаси Президенти Александр Квасневскийнинг тақлифига биноан 2003 йилнинг 10-12 июль кунлари расмий таширифи билан Польшада бўлади.

Таширифи чоғида икки томонлама муносабатлар аҳоли ва истикболлари, томонлар учун манфаатли бўлган халқаро муаммоларнинг муҳокама қилиниши, шунингдек, қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Россия Федерацияси Президенти В. В. Путиннинг Ўзбекистон Республикасига амалий таширифини кўчириш тўғрисида

2003 йил 6 июль кўни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин телефон орқали сўзлашди.

Москва шаҳрининг Тушино туманидаги фожиали воқеалар ва бунинг оқибатида қурбонлар бўлган муносабати билан томонлар Россия Федерацияси Президенти В. В. Путиннинг Ўзбекистон Республикасига амалий таширифини бошқа мuddатга кўчириш лозим, деган қарорга келди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОИ

Ички бозорни ёғоч-тахта материаллари билан тўлдиришга доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида

Уй-жой қурилишини кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратиш, аҳоли ва республика корхоналарининг ёғоч-тахта материалларига ва ёғочга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, ички истеъмол бозорини улар билан тўлдириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. 2003 йил 10 июлдан бошлаб: юридик шахслар томонидан олиб келинадиган ёғоч-тахта материаллари ва ёғочга ноль фоиз миқдоридан импорт божхона божи ставкаси; экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ҳуқуқи билан юридик шахс ташкил этмасдан ярака тартибдаги тadbиркорлар сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар учун тижорат фаолиятига мўлжалланган ёғоч-тахта материаллари ва ёғоч олиб келишида ягона божхона тўловининг ноль ставкаси белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси республикага ёғоч-тахта материаллари ва ёғоч олиб келишининг белгиланган тартибига юридик ва жисмоний шахслар томонидан қатъий риоя қилиниши, божхона расмийлаштирувининг ва божхона тўловлари ундиришининг тўғри амалга оширилиши устидан

назоратни таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

ўн кун мuddатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин; икки ҳафта мuddатда идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарор талабларига мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири У. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
расми

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 7 июль

Жаҳонда

- Нидерландиянинг Роттердам шаҳрида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Парламент ассамблеясининг 12 йиллик сессияси бўлиб ўтди.
- Норвегия денгизида Россия ва Франциянинг ҳамкорлигидаги ҳарбий-денгиз машқлари бўлиб ўтмоқда.
- Эрон ҳукумати парвозининг узоклиги 1300 километри ташкил этувчи балестик ракета муваффақиятли синовдан ўтганини расман тасдиқлади.
- Либерия Президенти Ч. Тейлор ўзига Нигериядан сиёсий бошпана берилиши тўғрисидаги тақлифни қабул қилди.
- АҚШда Марс сайёрасига учирлиши режалаштирилаётган «Оппортюнити» қурилмасининг парвози қурилма энергия манбаи техник носозликлари туфайли яна кечиктирилди.
- Покистон махсус хизмати (ISI) вакилларининг АҚШда чоп этиладиган «Вашингтон таймс» газетасига берган интервьюсида «Ал-Қоида» террорчилик ташкилоти ҳозирда Эрон ҳудудида кўчиб ўтгани маълум қилинди.

МОҲ: САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Анжуманда ташкилотга Ўзбекистон томони раҳбарлик қилган ана шу даврда мамлакатларимизнинг муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш йўлида салмоқли одимлар қўйилгани таъкидланди. Давлатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларидан ташқари, Тошкент шаҳрида минтақа миқёсидаги ишбилармон доираларнинг бизнес-форуми, ташкилотга аъзо мамлакатлар парламентлари вакиллари йиғилиши ташкил этилди. Энг муҳими, ташкилотнинг нуфузи ва самарадорлигини ошириш учун ушбу минтақавий тузилма доирасида қабул қилинган ҳужжатларнинг амалий жиҳатлари ва тўлиқ хориғига алоҳида ургу берилди.

Музокаралар чоғида минтақада иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг, сиёсий, ижтимоий, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришнинг шакли ва механизмларини такомиллаштириш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Президентлар халқаро масалалар, уларнинг минтақа мамлакатларига таъсири, хусусан, тинч ҳаётга қадам қўя бошлаган Афғонистондаги ўзгаришларнинг ижобий жиҳатлари, ушбу мамлакатга кўмаклашишда саъй-ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштириш ҳақида ўзаро фикр алмашди.

Ташкилот доирасидаги учрашувлардан бирида Ислоҳ Каримов минтақа мамлакатлари ўртасида ўзаро теледастурлар намойиш қилиш таклифини илгари сурганди. Саммит аъзолари бўйича ушбу ишларнинг матбуот анжуманида Президентимиз бу борадаги ҳозирги вазият ҳақида гапираркан, жумладан бундай деди:

— Мамлакатларимиз халқларини теварак-атрофимизда ва биринчи галда, минтақамизда юз бераётган воқеалардан, янгиликлардан хабардор қилиш ҳақида кўп гапиряпмиз. Аммо бу фикрни ҳаётга таътиқ этишга ҳозирча муваффақ бўлолмаяпмиз. Ваҳоланки, ахборот, фақат ҳолис ахборотгина бир-биримизни тўғри ва чуқур англашимиз учун имконият яратди.

Шу боис мазкур анжуманда ҳам бу борада амалий қадам қўйилди. Энди-

ликда ташкилотга аъзо ҳар бир мамлакат телевидениеси ҳафтасига икки соатдан тегишли мамлакатлар телевидениеси кўрсатувларини намойиш этиб боради.

Ислоҳ Каримовнинг таъкидлашича, ушбу қарор ахборот алмашиш бора-сида ташкилот доирасидаги ҳамкорликнинг дастлабки босқичидир. Келгусида бу жабҳадаги ҳамкорлик мамлакатларимизда ўзаро муқбирлик пунктларини очиш ва бу соҳада мавжуд натижаларни изчил ривожлантириб боришдан бошлаб, минтақа мамлакатларининг биргаликда ер йўлдошидан унумли фойдаланишига бўлган кенг кўламли ва узоқ муддатли саъй-ҳаракатларни қамраб олади.

Бу — мамлакатларимиз ҳаётини чуқурроқ билишга, халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришга, минтақа давлатлари раҳбарлари ахл-шувларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кишиларимиз теранроқ англашига, давлатларимиз ўртасида бўлган-да очикроқ мулоқотлар пайдо бўлишига олиб келади. Ўзаро ишончни мустаҳкамлайдиган бундай ҳаракат, шубҳасиз, минтақавий ҳамкорликни кенг ривожлантиришда энг асосий омиллардан биридир.

Учрашув аъзолари бўйича бир неча кўшма ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси давлат раҳбарларининг кўшма баёноти, терроризм, экстремизм ва наркотикларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашда «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо давлатлар саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни кучайтириш тўғрисидаги қарор шулар жумласидандир.

Ушбу ҳужжатлар лойиҳалари Президентлар томонидан чуқур муҳокама этилди ва муҳим амалий тавсиялар билан бойтилди. Ислоҳ Каримов, Нурсултон Назарбоев, Аскар Акаев ва Имомали Раҳмонов кўшма баёноти муҳокама этиш мубайнида ташкилот доирасида минтақа сув-энергетика захираларидан фойдаланиш бўйича консорциум тузиш, манфаатдор давлатлар ўртасида коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда минтақа мамлакатларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъмин-

лашни янада яхшилаш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Учрашувда мамлакатларимиз интеграциялашуви жараёнини фаоллаштиришда ва минтақа аҳолиси ҳаёт даражасини яхшилашда гоёат муҳим аҳамият касб этувчи ана шу фикрларни амалга ошириш учун ақин истиқболда қилинажак ишлар кўлами белгилаб олинди. Хусусан, биринчи галда халқаро молия ташкилотларига мурожаат этиш ва бу борада тегишли концепция ишлаб чиқишга келишилди.

«Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига кейинги муддатга Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев раис этиб сайланди.

Ташкилотнинг навбатдаги саммитини Душанбе шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

Шу билан «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашуви ниятсизга етди.

Юртбшимиз «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига таъриф берар экан, бундай ном берилганда шу тузилма доирасида минтақа миқёсида ҳар томонлама кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш кўзда тутилганига эътиборни қаратди.

Бир сўз билан айтганда, ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг Алмати саммити, ва умуман, тузилманинг қарийб бир ярим йиллик фаолияти аъзолари шундан далолат берадики, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти зиммасидаги вазифаларни дадил адо этмоқда.

Ушбу ташкилот неча минг йиллар давомида дўст ва иноқ, ҳамкор ва ҳамжиҳат яшаб келаётган, ўзининг азаллий ва замонавий қадриятлари билан башариёт тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган халқларимиз ўз тараққиётини йўлида аввало ўзининг англаши, ўз кучи ва интилишларига таяниши, қўлаверса, бошқалар билан, хусусан қўшнилари билан узоқ муддатли самарали ҳамкорликни ривожлантириши учун кўмаклашиш борасида салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Фулор МИРЗО,
ЎЗА махсус мухбири,
Тошкент-Алмати-Тошкент.

Иқтисоқий

90 ФОИЗИ АМЕРИКАГА

«Шайхонтохур текстиль» Ўзбекистон—Туркия кўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 100 фоизи хорижга, шу жумладан 90 фоизи Америка Қўшма Штатларига экспорт қилинмоқда.

Корхонада асосан хотин-қизлар меҳнат қилишиб, уларнинг маҳоратлари орқали тикилаётган кийим-кечаклар, «Ўзбекистонда тайёрланган» тамгаси билан хориждаги бюртмачиларни мамнун этмоқда. Бунинг асосий сабаби цехларнинг ҳаётининг энг сўнгги ютуқларини ўзида жамлагани, Японияда ишлаб чиқарилган тикув ускуналари билан жиҳозланганлиги ҳамда маҳаллий сифатли хом ашёдан рақобатбардosh кийим-кечаклар тайёрланаётганидир.

Ҳаҳон бозорида муҳим ўринга эга бўлишга интилаётган жамоада эркаклар ва аёллар, болалар учун ички ҳамда устки кийим-кечаклар ишлаб чиқарилади. Уттан йилда корхона тадбиркорлари томонидан 325 минг долларадан зиёд 2 миллион АҚШ долларлик тайёр маҳсулот Фарбий Европа ва Америка давлатларига экспорт қилинди. Энг муҳими эса, 95 фоиз маҳаллий хом ашё ҳисобига тикилаётган ушбу кийим-кечакларнинг ҳаҳон андозалари даражасида сифатли ва беҳиримлигидир.

Жорий йилда эса корхона аҳли янада самарали фаолият кўрсатиб, маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқда. Йил охирига 4-5 миллион долларлик тайёр трикотаж маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш кўзда тутилган.

GERMANYDAN ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Янги, юксак унумли замонавий технологиялар ёрдамида сифатли, харидор талаби асосидаги маҳсулотлар тайёрланиши бугунги кунда ҳар бир тадбиркорга яхши аён.

Шу боисдан ҳам пойтахтимиздаги «Офис-Маркет» хусусий корхонасида янги технологиялар ёрдамида ишлашга қатъий эътибор қаратилади. Корхонада 50 турдаги 5000 хил қорғоз маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилган. Жорий йилда эса корхона янада кенгайтириш учун янги мажмуаси ишга туширилди. Бунинг натижасида ана 50 хил қорғоз маҳсулотлари янги ўрамда ишлаб чиқарила бошланди. Ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортиб 20 та янги иш ўринлари яратилди.

— Яқинда корхонамизга Германия давлатидан янги босма машиналарини келтиришни режалаш турибмиз, — дейди корхонанинг тижорат ишлари бўйича раҳбари Ҳасан Мамасидов. — Цехларимизни янада кенгайтириб, яна 20 нафар йигит-қизни иш билан таъминлаш ниятдамыз.

15 июлдан корхонада «Мактаб ярмаркаси» фаолиятини бошлаб юборди. Бу янги ўқув йили олдида мактаб ўқувчиларига катта қўлайлик яратди.

БИРИ ДАВАН ШИРИН

«Зебунисо она» хусусий фирмасида ишлаб чиқарилаётган қандолат маҳсулотлари аллақачон харидорлар эътиборини тортган.

Бунинг учун корхона қандолатчилари астойдил ҳаракат қилишмоқда. Улар таъми, кўриниши, бежирим қадоклиги билан савдо дўконлари пештахталарини безамоқда, харидорларни жалб этмоқда. Россия Федерациясида келтирилган дастгоҳлар ёрдамида тайёрланаётган «Баҳор», «Симба», «Париж», «Дилором», «Камалак», «Барбарис» сингари қарамель ва вафлини конфетларнинг тури ҳозирда 30 хилдан ҳам зиёдини ташкил этади.

Энг муҳими эса қандолатчиларнинг саъй-ҳаракатлари эвазига тайёрланаётган ушбу маҳсулотлар ҳамшаҳарларимиз дастурхонига алоҳида фойда бағишлаётгани, истеъмолчилар талабини қондираётганидир.

Дилноза ФИЁСОВА

The Indian Observer:

Ўзбекистон: Тараққиёт сари жадал ҳаракат

«Тоғлар узоқдан салобатли кўринади» дейишади. Бу гапда жон бор. Тоғларнинг узоқдан салобатли кўриниши маълум маънода хорижий журналистларнинг мақолаларига ҳам қиёсланиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ислохотлар ва тараққиёт босқичларининг чет эллик журналистлар нигоҳида акс этиши худди савлат тўкиб турган ўлкага четдан назар ташлашга ўхшайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Олий Мажлиси XI сессиясидаги маърузаси асосида Хиндистоннинг «The Indian Observer» журналида чоп этилган мақола ҳар томонлама диққатга сазовор. Биринчидан, Хиндистоннинг халқаро муносабатлари, сиёсати, иқтисоди, сиёсий партиялари каби долзарб мавзуларга бағишланган марказий журналнинг мамлакатимизга катта эътибор билан қарагани аҳамиятли. Иккинчидан, мақола муаллифи Ҳарбжахан Сингхнинг йирик сиёсатшунос сифатида Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатига ижобий баҳо бериши қувонarli ҳол. Мақола сарлавҳасининг «Ўзбекистон: тараққиёт сари жадал ҳаракат» деб номлангани ҳам муаллифнинг мамлакатимизга бўлган ижобий муносабатини кўрсатиб турибди.

«Президент Каримов Ўзбекистонда катта ҳурматга сазовор. Унинг ҳар бир ҳаракати халқнинг юксалиши ва фаровонлигига мўлжаллангани учун Ўзбекистонда уни ҳурмат қилишади. Ўзбекистон халқи айнан Президент Каримов раҳбарлигида демократик тараққиёт йўлини танлади ва тараққиётпарвар дунё билан ҳамкорлик қилиб келмоқда», — деб эътироф этади мақола муаллифи, «The Indian Observer» журнали бош муҳаррири Ҳарбжахан Сингх.

«Ҳаёт ҳаракатсиз турмагани каби, Ўзбекистоннинг тараққиёт сари ташлаган ҳар бир қадами янги мақсадлар ва янги

режаларнинг тизимини юзага келтирмоқда. Ўзбекистон раҳбари ҳам буни ўз нутқида таъкидлаб ўтди ҳамда миллатнинг маваффақияти ва гуллаб-яшнаши учун ягона йўл — ислохотлар йўналишида олға ҳаракат қилиш эканлигини билдирди», — дейилади мақолада.

Бош муҳаррир ўз нутқида Президент Каримов Ироқдаги аҳволнинг турли давлат оммавий ахборот воситаларида турлича ёритилаётганини ҳам танқид қилганлигини қайд этиб, «АҚШнинг стратегик режалари ва Афғонистондаги антитеррорист коалицион кучларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида Ўзбекистоннинг принципиал нуқтаи-назарини изоҳлаб берди», — деб ёзади. Шуниси аҳамиятлики, Ўзбекистоннинг бу позицияси Ироқдаги операциялар бошланишидан анча илгари аниқ ва қатъий эълон қилинган эди.

2002 йилнинг ноябрида Прага шаҳрида ўтказилган НАТО ва СЕАП мажлисларини, БМТ Ҳавфсизлик Кенгашидаги муҳокамаи эсласак, Ўзбекистоннинг позицияси қанчалки қатъийлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу қатъийлик вақт ўтгани сайин мамлакат раҳбарияти ва Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотларида ҳам ўз ифодасини топанлиги Ҳарбжахан Сингхнинг мақоласида ҳам таъкидланган.

Аваз Бердиқулов,
«Жаҳон» АА

Санъат

Ўзбек

қахрамонлик операси

Ўзбекистон Давлат академик катта опера ва балет театри репертуари янги постановкалар ҳисобига бойиб бормоқда. Шу йилнинг ўзида қатор опера ва балет асарлари сахна юзини кўради.

Бастакор Сулаймон Юдаковнинг кенг оммалашган «Майсаранинг иши» комик операси қайта сахна юзини кўриши томошабинларни беҳад мамнун этди. Спектаклнинг бу янги талқинида постановка янада жозибаси кўради.

Хозир театр яна бир нечта асарга қўл урди. Шулардан бири «Жалолддин Мангуберди» деб номланган операдир. Атоқли шоир ва драматург Мақсуд Шайхзода қаламига мансуб машҳур «Жалолддин Мангуберди» драмаси асосида сахнага олиб чиқилган мазкур постановка ўзбек қахрамонлик операси янглиг томошабинларга тақдим этилади.

Таниқли бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Икром Акбаров томонидан ёзилган бу опера партитурасини театр бадий жамоаси мамнуният билан қабул қилди.

Опера келгуси йилда театр сахнага олиб чиқилади.

Билим ва маҳорат уйғунлигида

Тошкентдаги тасвирий ва амалий санъат билим юрти 100 нафардан ортққ ёш мутахассис битириб чиқди. Улар ўймакорлик, кулолчилик, заргарлик, наққошлик, попоччилик, либос дизайни каби ихтисосликларидан пухта билим ва амалий кўникма ҳосил қилдилар.

Битирувчилар диплом ишларида шу йўналишларда олиб борилган илмий изланишлар ўз ифодасини топди. Либос дизайни санъати бўйича тайёрланган диплом ишлари ҳам имтиҳон комиссияси томонидан яхши баҳоланди. Чунончи, истеъдод эгаси Зебо Юсупованинг «Темирий маликиси Зебунисо» деб номланган диплом ишида қадимги ўзбек ва ҳинд миллий либослари хос ўзгаллик ўз тасвирини топди.

«Уйма сервис» номили диплом иши ҳам ўзига хос жозибасига эга. Бу ижод намуналари асосида алоҳида кўргазма ташкил этилди.

Ўзбек рақси ҳақида фильм

Ўзбек миллий рақс санъати ўзининг узок ўтмиш тарихига эга. Ана шу кўп йиллик ижодий жараён суратга олинган «Ўзбек рақс жиллаари» деб номланган ҳужжатли фильмда ўз бадий ифодасини топади.

Мазкур фильмни яратишига Швейцария тараққий ва ҳамкорлик агентлиги яқиндан бош қўшди. Айтилган Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳам экран асарининг рўйбга чиқаришида ўз хиссасини қўшмоқда.

Янги экран асарининг юзига келишида Ўзбекистон санъатшунослик институти олимлари томонидан олиб борилган илмий изланишлар муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Акбар АЛИЕВ

ЕВРОПАЭЙД ДАСТУРИ ЛОЙИХАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини тараққий этилишига кўмаклашиш» лойиҳаси бўйича ЕвропаЭйд дастури асосида «Қонун ҳужжатлари мониторинги механизми: мавжуд тажриба ва уни янада такомиллаштириш йўллари» мавзусида анжуман ўтказилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги Амалдаги қонунчилик институти директори А. С. Турсунов, Республика Олий Мажлиси раисининг ўринбосари Б.И.Бугров ҳамда Олий Мажлис депутатлари, турли сиёсий партиялар, суд ва ҳуқуқ-тартибот органлари, элчихона ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Ушбу анжуманда Европа Иттифоқи комиссияси ЕвропаЭйд дастури лойиҳасининг экспертлари германиялик Отто Камерернинг «Европа амалиёти ва

қонунчилик мониторинги стандартларини амалга ошириш», А. Азизовнинг «Ўзбекистонда қонунчилик мониторингини ўтказиш ва уни ташкил этиш бўйича ёндошилар» ҳамда П. Рустамовнинг «Олий Мажлис қошидаги амалдаги қонунчилик мониторинги институтининг фаолиятини яхшилаш борасидаги долзарб масалалар» мавзуларидаги маърузалари тинланди.

Анжуман иштирокчилари уч гуруҳга бўлинган ҳолда ҳорийий ҳамкасблари билан биргаликда Ўзбекистондаги

қонунчилик мониторингини яхшилаш механизми, мониторинг институтининг икки палатали парламент шароитларидаги хизмати ва ННТнинг Ўзбекистонда қонунчилик мониторингини амалга ошириш бўйича масалаларни қизгин муҳокама қилди.

Ушбу лойиҳадан кўзланган мақсад — Ўзбекистонда қонун устуворлигига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тамойилларига асосланган демократик ислохотларни ривожлантириш, фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш борасида кўмаклашиш эканлиги анжуманда таъкидланди.

Шунингдек, қонунчилик мониторинги самарадорлигини ошириш ва унда турли хил субьектларнинг қатнашиш аспекти аниқлаш, мамлакатимизда қонунчилик мониторингини тартибли ва унумли механизмини ташкил этиш мақсадида анжуман ташкилотчилари эксперт таҳлил ўтказдилар.

«Туркистон-пресс»



Оилаларимиз ва маҳаллаларимиз кўрки ва файзи бўлган нуруний кексаларимиз бизнинг фахримиз. Улар билан бағримиз бутун, улар билан хонадонларимиз обод.

• ХОТИРА УЙҒОНСА ҒЎЗАЛДИР

САХОВАТ ВА ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

Саховат, бу эзгулик. Саховат ўз моддий ва маънавий манфаати ва тинчлигидан воз кечиб бировга беғараз қилинган яхшиликдир. Бу «биров» — беғона, нотаниш шахс бўлиши ҳам мумкин, яқин дўст ва қариндош ҳам бўлиши мумкин.

«Хаёт йўлида учраган иссиқ, совуқлар, кўнгилсизликларга қарамай мен ўзимни бахтли ҳисоблайман, чунки шу хаёт йўлида жуда кўп саховатли одамларни учратганман. Биринчи навбатда улар — менинг фарзандларим, раҳматли укам Маҳмуджон, кўпчилик ҳамкасбларим, саховатли дўстларим — М. Адишев, Х. Анатолий, (Ден Тхяк Хан), Т. Қоржаев, Ш. Расулевлардир. Тўғри, «Фарзанд ва дўст бўлган, ўз отанаси ва дўстига саховатли бўлиши шарт-да» дейишлари мумкин. Ҳақли эътироз! Бирок, отанасига нисбатан юрагида кўри ва қўлида эҳсон йўқ фарзандлар ёки ўз манфаатини кўзлайдиган «дўстлар» камми?

Бу оддий ҳақиқат бўлган аjoyиб сатрлар муаллифи академик Иброҳим Ҳамрабоевдир. Ўз «Хаёт саҳифалари»да жуда кўп оқил-у фозил инсонлар ҳақида ёзган бўлса-да, аслида саховат хусусида у кишининг олдига тушадиган кимса йўқ эди. Бўлмаса 60 йил олдин талабалик давларида домлалари академик В. Поповнинг қилган одамийлигини эслаб бу тўғрида миннатдор бўлиб ёзармиди. Ёки бўлмаса ўша пайтларда оддий чўпоннинг йўлдан адашган геологларга бошлана берганини, ёхуд ҳалол чойхоначининг бировнинг қолдириб кетган нарсаларини қайтариб берганида, худди ўзининг йўқотиб қўйган нарсасини топиб олгандай хурсанд бўлганини тўлқинланиб эслаб юрармиди?!

Иброҳим Ҳамрабоевнинг геолог олим сифатида қолдирган изларини бирор кимса такрорлай олиши жуда қийин иш деб биламан. Чунки жуда яхши олим, геолог, академик бўлиши мумкин. Лекин унга қатор-қатор конлар, айниқса Республикаимиз Мустақиллигига катта хисса қўшган олтин конлари (Мурунтов, Томдибулоқ, Чарматан) кашф қилиш насиб қилвермасе керак. Олимнинг айтганлари бўйича битта конни очилиши заминда жуда кўп одамларнинг меҳнати ётар экан, лекин конни очиб битта одамга насиб қилар экан. Бундай одамларда «унинг юлдузлари чорраҳада кесишган кун» бўлса ке-

рак. Юлдузи, Юлдузлари бор одамлар ҳам кўп бўлмаса керак.

Иброҳим Ҳамрабоевнинг серқирра ижоди, аjoyиб ҳислатлари тўғрисида тўлқинланиб, узок сўзлаш мумкин.

Хозир мен Ҳамрабоевнинг такрорланмас мўйқалам соҳиб сифатида эсламоқчиман. У кишининг кўп меҳнат сарфлаб яратган асарлари: «Аюлисойдаги экспедиция лагери», «Гулхайри», «Эски ҳовли», «Ялта», «Иссиқкўл», «Қизил Зумрад», «Феруза дала ҳовлида», «Автопортрет» номили асарлари менга жуда ёқди. Бу расмларни кўриб бир воқеа эсимга тушиб кетди. Бир катта расмсом бу асарларни кўриб олимнинг маҳоратига тан бериб шундай дедан: «Домла шундай расмларни чизганлари учун, шундай аjoyиб, катта конларни очганлар. Жуда қизик. Демак, ҳамма геологлар расм чизишни ўргансалар тилла кони топадиларми ёки яхши расмсомлар яқинда геологларнинг ўрнига тилла кони топа бошлайдиларми?»

Бу ўринда Иброҳим Ҳамрабоевнинг доно насихатларидан бирини эсламоқчимиз. «Одам тоққа чиқиб кетаётиб қанчалик кўп терлаб-пишиб меҳнат қилса, тоққа чиққанида унинг ҳузурини кўради, кўз ўнгиде аjoyиб манзаралар очилади, тоққа чиққанлар буни жуда яхши билишади. Ҳаётда ҳам шундай, у ёқ, бу ёққа қий-шаймасдан, йўлинда тўғри борсанг, меҳнатининг ҳузурини кўрасан».

Интиланганга толе ёр! Ҳалол меҳнат, камтаринлик, саховат ва эзгулик каби ҳислатлар Иброҳим Ҳамрабоевни мана шундай юксаликка кўтариб чиққан бўлса керак ва ўз навбатида аjoyиб конларни очилиши муҳим омили бўлгандир.

Иброҳим Ҳамрабоевнинг ёруғ юлдузлари у кишининг очган конларида, илмий асарларида, шогирдларида ва бизга айтган дуру инжудай бебаҳо, олтидан ҳам аъло насихатларида.

Биз — келажак авлод бўларга амал қилиб яшасак, у кишининг руҳини шод қилган бўламиз. Ойдинхон БАХТИЕРЗОДА

• КЎРГАЗМАЛАР

КЎЁШЛИ ШАҲАР

Ўзбекистон Давлат санъат музейида ёш мусаввир Дилором Мамедованинг «Кўёшли шаҳар» деб номланган кўргазмаси очилди.

Бундан аввал расом ўзининг ишлари билан ёшлар ўртасидаги Республика миқёсидаги ҳамда халқаро кўргазмаларда қатнашган. «Илҳом» театрида шахсий кўргазмасини ташкил этган. Шунингдек ўтган йили Россияда бўлиб ўтган «Жаҳон халқлари санъати» кўргазмасида ўз асарлари билан қатнашиб муносиб баҳо олди. Унинг суратлари Россия, Туркия, Германия, АҚШ, Швейцария, Англия сингари қатор давлатларнинг хусусий коллекционерлари томонидан сотиб олинган.

Ўзбекистон Бадий академиясининг аъзоси Дилором Мамедова турли услубларда ижод қилади. Кўргазмага қўйилган асарларининг хилма-хиллигини эса мусаввирнинг ютуғи дейиш мумкин. Кўргазмада бир хилда номланган асарларини ҳам учра-тасиз. Аммо бир асар иккинчисига умуман ўхшамайди. Асарларнинг ҳар бирига моҳир мусаввирнинг муҳаббати қўшилганини аққол ҳис қилиш мумкин. «Наврўз», «Хива», «Бухоро», «Анор», «Мевалар» номили асарларида кўёшли шаҳар нафаси уфуриб туради. Кўргазманинг нима учун айнан шундай номланганини мусаввир ижодини томоша қилгачина англаш мумкин.

Адибахон ҒАЙРАТ кизи.

• ЯНГИ ҚОНУНЛАРНИ ШАРҲЛАЙМИЗ

2003 йилнинг 1 февралдан Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида»ги Қонунининг янги тахрири кучга кирди. Шунга айтиш керакки, кўпчилик ҳамшаҳарларимиз ҳали янги Қонуннинг моддалари тўғрисида тўла маълумотга эга эмаслар. Бу уларнинг муносабатлари, аризалари, шикоятлари бўйича қарорлар қабул қилиш мuddатларини узайтиради, уларнинг бузилган ҳуқуқларининг тикланишини қийинлаштиради.

Биз Тошкент шаҳар прокурорининг фуқароларни қабул қилиш ва аризаларини кўриб чиқиш бўйича катта ёрдамчиси, адлия катта маслаҳатчиси Шухрат ОРИПОВдан «Фуқаролар муносабатлари тўғрисида»ги Қонун янги тахрирининг асосий қондаларини шарҳлаб беришни илтимос қилдик.

ФУҚАРОЛАР МАНФААТЛАРИ УСТУВОР

— Биринчи навбатда, — дейди Шухрат Туйғунович, — Қонуннинг янги тахрири аввалгисидан фуқароларнинг давлат органларига муносабатларида ҳуқуқлари устуворлигини белгилаши билан ажралиб туради. Бинобарин, фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқлари биринчи ўринга қўйилди. Фуқароларнинг муносабатларини кўриб чиқувчи мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ҳам кучайтирилди. Моддалардаги иборалар ҳам қисқа, лўнда ва аниқлиги билан ажралиб туради.

Агарда ўзгаришлар тўғрисида тўхталадиган бўлса, илгари фуқаролар давлат органларига фақат ёзма равишда муносабат қилишлари мумкин бўлса, янги Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ улар ҳам ёзма, ҳам оғзаки муносабат қилиш имкониятига эга бўлдилар. 8-модда эса фуқароларни қабул қилиш механизмининг аниқ тартибга солди. Унга кўра фуқароларнинг қабули раҳбар ходим ёки муайян мансабдор шахс томонидан белгиланган жадвал асосида амалга оширилиши лозим. Бинобарин, ўтган йилиёқ Бош прокурорнинг буйруғига кўра бизнинг тизимимизда фуқароларни ҳар кун қабул қилиш тартиби жорий қилинган ва шаҳар прокуратурасида у нафақат иш кунлари ҳамда иш соатларида, балки иш кунини тугаганидан сўнг, шунингдек, дам олиш ва байрам кунларида ҳам амалга оширилади.

Муносабатларнинг ўзига келадиган бўлса, шунга эътибор бериш керакки, юмалок хатлар, исми-шарифсиз (номи, отасининг исми) фуқароларнинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган муносабатлар ёхуд муаллиф тўғрисидаги ёлгон маълумотлар берилган бўлса, шунингдек, имзо қўйилмаган муносабатлар кўриб чиқилмайди. Баъзан шундай гаплар ҳам бўладики, масалан, кишилар ўзлари шикоят қилаётган шахслардан кўришлари тўғрисида исми-шарифлари, манзилларини кўрсатишдан гўёки чўчидилар. Шу сабабдан, Қонуннинг янги тахририда бутун иккинчи бўлим фуқароларнинг муносабат учун ҳуқуқларининг кафолатларига бағишланган. Жумладан, фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида ошкор бўлган маълумотларни билдиришга йўл қўйилмайди, фуқароларнинг муносабатлари муносабати билан уларга ҳафсизлик кафолатлари берилади.

Шунга таъкидлаш жоизки, 8-моддага мувофиқ агарда унинг қўл марталик муносабатлари асоссиз ҳолда қонуний ҳаттақорга эга бўлса, ёхуд унинг муносабати бўйича қарор қабул қилинган бўлса фуқарони қабул қилиш рад этилиши мумкин. Бунда нима кўзда тутилди? Масалан, 3-моддада агарда қонунчилик ҳужжатларига кўра уларни кўриб чиқишнинг бошқа тартиби кўзда тутилган бўлса, фуқароларнинг муносабатлари кўриб чиқилмаслиги аниқ белгилаб қўйилган. Амалиётнинг кўрсатишича, фақат судларнинг ваколатларига тегишли бўлган кенг қўламдаги масалалар мавжуд. Улар меҳнат, уй-жой қонунчилиги (жиноят тартиби бўлмаган жойда), мол-мулкни бериш, ижара ва ҳоказолар бўйича қондбузарликлар билан боғлиқ. Бу демак фуқаролар муайян масала билан айтиш қарорга муносабат қилиш лозимлигини аниқ билишлари керак. Зеро улар кўп марталаб ҳокимлик, милиция, прокуратура, бошқа давлат идораларига муносабат қилишлари мумкин, бироқ уларнинг масалалари бўйича суд қарор чиқариши лозим бўлса, ушбу муносабатлар кўриб чиқиш учун қабул қилинмаслиги ҳам мумкин.

Кўпчилик «Оқшом»хонларни муносабатларни кўриб чиқиш мuddатлари қизқиртиса керак. Улар ўзгаришсиз қолган Фуқароларнинг қўшимча равишда ўрганиш ва текширувларни талаб этмайдиган ариза ва шикоятлари 15 кундан ошмаган ҳолда кўриб чиқиши лозим. Бу 18-моддада белгиланган. Агарда қўшимча материаллар талаб

этиладиган бўлса, истисно тариқасида мuddат фуқаро муносабат қилган давлат идораси раҳбари томонидан узайтирилиши мумкин, бироқ умумий ҳолда у икки ойдан ошмаслиги керак. Бу ҳақда албатта ариза берувчи хабардор этилиши даркор.

Баъзан ариза кўриб чиқиши лозим бўлган органга эмас, балки бошқасига топширилган ҳоллар ҳам юз бериб туради. Шундай ҳолда беш кун ичида ариза тегишли органга юборилиши лозим ва бу тўғрида ариза берувчи хабардор қилиниши жоиз. Бунда аризаларни қайта жўнатиш уни кўриб чиқишнинг белгиланган мuddатига таъсир этмаслиги керак — агарда кўриб чиқиш мuddатларини узайтириш талаб этилмаса, у бир ойни ташкил этади.


Яна бир янгиликни таъкидлаб ўтмоқчиман. «Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида»ги Қонун янги тахрирининг 19-моддаси фуқароларнинг ўз муносабатлари кўриб чиқишининг бориши тўғрисидаги маълумотларни олиш, қўшимча материаллар бериш ёки уларни бошқа органлардан талаб қилиниши тўғрисида илтимос қилиши, адвокат ёки ўз вакили хизматларидан фойдаланишини мустаҳкамлаб қўйган. Янги ариза берувчи ҳозирда ўз муносабати кўриб чиқишининг назорат қилиб бориб, унда шахсан қатнашиши мумкин.

Шунга алоҳида таъкидлаш керакки, эндиликда фуқароларнинг муносабатларини бошқа давлат органларига, шунингдек, уларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлигига ариза берувчи шикоят қилган мансабдор шахсларга кўриб чиқиш учун асоссиз ҳолда ўтказилиши қонун орқали тақиқланади. Эндиликда муносабатларни бундай тарзда бошқаларга ўтказиш учун тегишли асослар бўлиши керак. Ўйлаймизки, эндиликда мансабдор шахслар фуқароларнинг муносабатлари, аризалари ва шикоятларига янада эътиборлироқ ёндашадилар, зеро Қонуннинг янги тахрири унинг бузилганлиги учун жавобгарлигини кўзда тутди. Чунончи, 25-моддада фуқарога унинг муносабатини кўриб чиқиш чоғида қонун талаблари бузилиши муносабати билан етказилган зарарнинг қопланиши кўзда тутилди. Фуқароларнинг аризаси ёки шикояти қондириладиган ҳолда, ушбу ариза бўйича қонунчилик қарор қабул қилган орган шикоят берилиши ва унинг кўриб чиқиши муносабати билан боғлиқ зарарлар, муносабатини тегишли давлат органи талабига кўра кўриб чиқиш жараёнидаги харажатлар, шунингдек, ушбу вақт ичида йўқотилган маошни қоплаши лозим. Фуқаролар етказилган маънавий зарарнинг суд тартибида қондирилишини ҳам талаб қилишга ҳақлидирлар. Айбдор мансабдор шахсдан охириқабатда фуқаронинг адвокат хизматлари, почта, бож тўловлари каби харажатлари ҳам ундирилади.

Умид қиламанки, ушбу тушунтиришлар фуқароларга турли давлат органларига ўз қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун муносабат қилишларида кўмак беради. Статистиканинг кўрсатишича, ҳозирча пойтахт аҳолиси Қонунларни унчалик яхши билмайди. Масалан, 2001 йилда Тошкент шаҳар прокуратурасига даярли 9,5 мингта шикоят ва аризалар келиб тушган бўлса, ўтган йили бу миқдор 11,2 мингтани ташкил этди. Улардан идоравий бўйсунмиши бўйича бошқа давлат органларига тегишли қарорлар қабул қилиниши мақсадда 3974 ва 4848 та шикоят ва аризалар юборилди. Бу эса уларнинг тез мuddатларда кўриб чиқишига ўз таъсирини кўрсатди, албатта. Шу сабабдан ўз қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилган фуқаролар улар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилмаган ва қабул қилинадиган қонунларни яхшироқ билишлари лозим.

Даврон НУРМАТОВ ёзиб олди.

• ИНСОНИЙЛИК САБОҚЛАРИ



«УМР МАЗМУНИ»

Эл-юрт фаровонлиги, тинчлиги — осовийшталлиги, жамият тараққийоти йўлида бутун умрини бахшида этган, самарали ва фидокорона меҳнати билан элда азиз бўлган, тарихда ўчмас из қолган аjoyиб инсонлар, сулоалар, шаҳарлар ҳақи, и хотира, китоб ва рисолаларни ҳаммаша мароқ билан ўқиймиз.

Бугун биз оқшомхонлар эътиборига ҳавола этаётган Турсунхўжа Аҳмадхўжаевлар сулоласи тўғрисида ҳикоя қилувчи «Умр мазмуни» деб номланган китобча ҳам ўйлаймизки, ўсиб келаётган ёш авлодни маънан баркамол этиб тарбиялашда муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Азал-азалдан ота-она, ёру биродарлар, қариндош-уруғ, элу юртга меҳр-муҳаббат кўрсатиш, ўтганларни эслаб, уларнинг руҳини шод этиш юртдошларимизнинг энг

хайрли одатларидан саналади. А. Қорабод ва А. Хусановлар томонидан нашрга тайёрланиб, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилган, ҳарбийлар сулоласи, яъни ХХ асрнинг бошларида Кўқон хонлиги томонидан Наманганга сарқор этиб тайинланган Аҳмадхўжа асос солган Аҳмадхўжаевлар шаҳарасининг ижтимоий ва ахлоқий муносабатлари, бугунги кунда ҳам оиланинг оза-она, ёру биродарлар, қариндош аъналарига — кишиларга яхшилик қилиш, яқинларини тез-тез йўқлаш, ўтганларни хотирлашни муҳаддас

сақлаб келаётгани ҳақидаги китобча уни кўлга олган барча ёшдаги китобхонлар учун ибрат намунаси бўлса ажаб эмас.

Китобчада Ватанга муҳаббат, халққа садоқат аждодларимиздан анъана бўлиб келаётган қадимги қадриятларимиздан эканлиги, юрт шаъни-шавкати учун умрини бахшида этган, ҳар бир қарич ерини азиз билиб, қатра сувини кўзига тўтиб қилган, ҳавас этса арзигулик даражада чиройли яшаш мактабининг мударриси бўлган инсонлар ҳақида мароқ билан ҳикоя қилинади.

Истиқлолга эришган Ўзбекистон давлатининг тинчлиги, унинг осовийшталлиги ҳарбийлар зиммасида эканлиги, мамлакатимизнинг буюк келажаги яратилишига озми-кўми ҳисса қўшиш, бир зум бўлсада хушреликни, огоҳликни унутишга ҳаққимиз йўқ эканлиги, ҳаққий мард, фидойи, Ватан ҳимоячиси бўлиш шарафига майор Турсунхўжа Аҳмадхўжаевлар сулоласи, фарзандлари, набиралари-ю эваралари рисолада аниқ бир хотира шамчироғи билан очиб берилган. Ва ўқувчи ҳам одамийлик сабоғидан дарс берган десак адашмаган бўлаемиз.

Шаҳноза МУҲСИМОВА

Инсон ва қонун

• МАКТУБ ЙЎЛГА ЧОРЛАДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЎМАГИ — КАТТА КУЧ

Ҳурматли тахририят ходимлари. Ушбу мактубни сизга йўллашдан мақсад Сергели даҳаси, 5-мавзёдаги Ҳабибий маҳалласи 234-милиция таянч пункти катта профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Улуғбек Ибрагимов ва унинг ҳамкасблари хусусида икки оғиз илик сўзни айтмоқдир. Маҳалла-қўй тинчлиги, хотиржамлиги, жиноятчилик, гивандлик каби турли иллатларнинг олдини олишдаги сергақлиги, одамларга бўлган эътибори, беминнат кўрсатадиган ёрдами, ўз ишининг жонқуяри бўлгани учун ҳам бу милиция ходимини аҳоли бирдек ҳурмат қилади. Ниятин элу юрт тинчлиги-осойишталиги йўлида туну кун постиде сергақ турган, камтар-камсуқумлиги билан одамлар ишончи ва эътиборини қозонаётган Улуғбек Ибрагимов каби захматқас инсонлар сафи тобора кўпайсин.

Ақбар НАБИЕВ, иқтисод фанлари номзоди, меҳнат фахрийси.

Ушбу мактуб боис 234-милиция таянч пункти катта профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Улуғбек Ибрагимовнинг иш фаолияти билан яқиндан танишиш истаги тугилди ва Сергели-5 мавзеи Ҳабибий маҳалласида бўлди.

Маълумки, кейинги йилларда Республикаимиз ички ишлар идораларида милициянинг кенг жамоатчилик билан ҳамкорлигини кучайтириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадиде кенг изоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, эндиликда участка нозирлари ўрнига профилактика инспекторлари хизмат қилмоқда.



Сергели-5 мавзеидаги Ҳабибий маҳалласи қошидаги 234-милиция таянч пункти ҳам ана шу изоҳотлар самараси сифатида маҳалла аҳлига кенг жамоатчиликнинг тинчлиги-осойишталигини сақлаш йўлида фаолият юритмоқда. Маҳалла оқсоқоли Собир Шарипов, педагог-тарбиячи Тозагул Абдуллаева, посбонлар билан ҳамжиҳатликда олиб борилаётган ишлар узининг ижобий самарасини бериб, маҳаллада уруш-жанжал, қўни-қўшининг тинчлиги бузадиган оилалар даярли йўқ деса ҳам бўлади. — Маҳаллада 5.200 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди биз билан суҳбатда Улуғбек Ибрагимов. — Уларнинг 60 фоизини ёшлар ташкили қилади. Шунинг учун ҳам бутун эътиборни вояга етмаган, тарбияси оғирроқ бўлган ёшлар ва жиноятга мойиллиги бўлган, илгари судланган шахсларга қаратганмиз. Улар билан доимо суҳбатлар олиб борамиз, ишга ёки ўқишга, бирон хўнарга жойлаб қўйишга, юриш-туришларидан доимо хабардор бўлишга ҳаракат қилаемиз.

Профилактика инспекторлари эа-маҳалла посбонлари хонада даярли ўтиришмайди, доимо одамлар билан бирга, маҳалла айланиб юришади. Мунтазам равишда рейдлар ўтказиб содир бўлиши мумкин бўлган турли жиноятларнинг олдини олишга, оилалар, қўни-қўшинлар, қавму қариндошларнинг тинч-тотув яшашлари учун тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга интилоқдалар. Баъзи бир можаролар биргалликда бартараф этилмоқда, ажралиб кетиши эҳтимоли бўлган оилалар яраштириб қўйилмоқда, тартиббузар оила вакиллари тартибга чақирилиб, нотинчликка барҳам берилмоқда. Дарҳақиқат оила, қўни-қўшни тотув яшаса маҳалла тинч бўлади. Бир-биридан хабар олмоқ, имкон қадар ўзаро ёрдамлашмоқ ҳар кимнинг бурчига айланса ҳар қандай қўнгилисизликнинг келиб чиқиши барҳам топади. Бунда эса, милиция билан жамоат тўзимларида ҳамкорлигининг аҳамияти беқиёсдир.

Шоира МУҲАМЕДОВА. СУРАТЛАРДА: 234-милиция таянч пункти катта профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Улуғбек Ибрагимов ва унинг ҳамкасблари иш жараёнида. Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ТАДБИРЛАР

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси навбатчилик қисмидаги маълумотлар билан танишсангиз, турли хонадонларда ноқонуний равишда сақланаётган совуқ ўқ отар қуроллардан тугишганлар бир-бирларини отиб қўяётган ҳолатларнинг гувоҳи бўласиз. Содир этилаётган ўта оғир жиноятларнинг аксарият қисми ҳам айнан ноқонуний равишда сақланаётган қуролларнинг қўлланиши билан боғлиқ.

Шу сабабли фуқароларда ноқонуний сақланаётган қуролларни аниқлаш ва уларни мусодара қилиш, демакки, жиноятнинг олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси турли хизмат ходимлари томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли тадбирларнинг ўтган бир йиллик якуни бўйича маълумотда ҳам ўз ифодасини топган. Жорий йилнинг ўтган мuddатиде эса жами 36 фуқаро қурол ва ўқ-дориларни ноқонуний сақлаганини учун жиноий жавобгарликка тортилиб, улардан қўлаб ўқдорилар ва турли портловчи моддалар далилий ашё сифатида олинган.

Кечагина ўтказилган тезкор тадбир давомида Иванов исмли шахс хонадонидан бир қанча қуроллар далилий ашё сифатида олинган. Ҳозирги кунда уларнинг қаердан олинганлиги ва нима сабабдан сақланаётганлиги аниқланмоқда ва тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Азиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

• ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

ҚОРОНФИДА ТОПИШГАНЛАР

Халқимизда «Кўр қўрни қоронғида топади», деган аjoyиб бир нақл бор. Бу нақл гўё қуйида биз сиз билан танишмоқчи бўлган жиноий гуруҳ тўғрисида топиб айтилгандай. Ахс ҳолда Республикаимиз турли вилоятлардан келиб, дайдилик билан шуғулланиб юрган ушбу жиноий гуруҳ Тошкент азияда бир-бирлари билан топшиб қолмаган бўларди. Бундан ташқари уларнинг яна бошқа ўхшашлик томонлари ҳам борки, бехитий: «Ё алҳазар, ўхшашмагунча учратмас», деганлари рост эканда деб юборганини ўзинг ҳам билмай қолсан.

Марҳумат улар билан танишнинг: Маъруфжон Маликов Наманганда, Худойберди Нишонов Андижонда, Музаффаржон Мирзаев Фарғонада, Ҳикмат Қодиржонов Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, муқаддам судланган, буйдоқ, маълумоти 8-, 9-синфда.

Эътибор берган бўлсангиз, жиноий гуруҳ аъзоларининг ҳеч бири ақалли ўрта маълумотга ҳам эга эмас. Амал-тақал қилиб мактабнинг 8, 9-синфига битириб олишган. Бирон-бир фойдали меҳнатнинг этганини тутишмаган, Ҳали уylanмаган, айтини билаларни кучга тўлган, тоғни урса талқон қилиб юборадиган йигитлар. Лекин, афсуслар учун пешона тери билан ҳалол меҳнат қилиб нон топишдан кўра техникўрликни, дайдиликни афзал кўришган. Жиноий гуруҳнинг тўрт аъзосидан уч нафари муқаддам судланган.

Тўғри, улар турли жойда, турли сабаблар билан судланган, баъзилари Президентимизнинг «Амнияти тўғрисидаги» Фармони билан жазодан озод қилингандан ҳам ўзларига тегишли ҳулоса чиқариб олмасдан ва фойдали меҳнат билан шуғуланмасдан юриб, ўзганинг мол-мулкни талон-тарож қилиш мақсадиде олдиндан тил бириктирган ҳолда уюшган босқинчилик жиноятини содир этганлар.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Бектемир тумани судида бўлиб ўтган суд мажлисида Бектемир туманида жойлашган Қўйлик автостанциясида икки беғуноқ фуқарони уриб, эравонлик қилиб, улардан бирига тан жароҳати етказиб, ўзганинг мулкни очикдан очик талон-тарож қилиш мақсадиде олдиндан тил бириктирган ушбу жиноий гуруҳ устидан тегишли ҳукм чиқарилди. Жумладан, айбланувчи М.Маликовга 8 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Х.Нишонов ва М.Мирзаевларнинг ҳар бири 8 йилга, вояга етмаган Х.Қодиржонов Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 85-моддасига асосан 4 йил озодликдан маҳрум қилинди. Х.Нишоновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Респуб-

Бозорларимизнинг тўқин бўлгани яхши, албатта. Лекин у қай йўл билан олиб келинаётган маҳсулотлар билан тўлаётганлигини назорат қилиб бориш — мамлакат иқтисодиёти учун жуда муҳим.

АЙЛАНМА ЙЎЛ ОРҚАЛИ

Шундан келиб чиқиб, Республикаимиз ҳукумати томонидан турли қинғир йўллар орқали мамлакатимизга маҳсулотларнинг тегишли сифат сертификатларини олиб келишининг олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шунга қарамай, ноқонуний йўллар билан маҳсулот олиб келиш ҳоллари учраб турибди. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг коррупция, товламачилик ва рэкетга қарши курашиш бўлими ходимларининг доимий олиб бораётган тезкор ишлари давомида ўтган йилнинг июнь ойидан шу кунгача ўтказилган тадбирлар давомида 306 та қонунбузарликлар аниқланиб, икки миллиард сабаб, ушбу жазалар бўлмагани учун қонуний ечимини топтунга қадар расмийлаштириб қўйилди.

Жумладан, давлат белгиси Ц 31-84 ТН автомобилда С. исмли тадбиркор йигирма миллион сўмликка жами турли истеъмол молларини ҳеч қандай ҳужжатларсиз чет давлатлардан олиб келиб сотмоқчи бўлганда қилмиши фож этилди. Текширувларда бу молларнинг аксарият қисми фойдаланиш учун яроқсиз эканлиги маълум бўлди.

«Зил» русумли автоюлда ҳам 15 та Украинада ишлаб чиқарилган «Норд» музлаткичларнинг тегишли ҳужжатларсиз олиб келиниб, истеъмол бозорига чиқарилишининг олди олинди.

Ишлаб чиқарилган жойи аниқ, маҳсулот учун керакли ҳужжатлар мавжуд бўлган юкларнинг, диёримизга айланма йўллар орқали олиб келинишига сабаб, ушбу буюмлар учун белгиланган давлат божларини тўлашдан бўйин товлашдан иборат эканлиги ҳам ошкор бўлмоқда.

Натижада эса ушбу буюмлар суд ҳукмидан сўнг давлат тасарруфига ўтказилди.

Тезкор ходимлар томонидан ўтказилаётган бундай тадбирлар давом этмоқда.

Севара АҲМАДЖОНОВА

Ўқтамжон САИДОВ, Бектемир тумани прокурорининг ёрдамчиси, Раваҳан ИСОКОВ, журналист.

«Тошкент оқшоми»

ҲУҚУҚИЙ
МАСЛАҲАТХОНАСИ

Қонунга ҳурмат ва итлооткорлик – ҳаёт мезони

(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

4.4. Айирбошлаш шартномаси

113. Айирбошлаш шартномаси билан тарафлар зиммасига қандай мажбурият юкланади ва бундай мажбуриятни бажаришда қайси таомилга риоя қилинади?

Айирбошлаш шартномасига мувофиқ ҳар бир тараф бошқа тарафга бир товарни (мол-мулкни), шу жумладан қўчмас мулк ва автомобилотранспорт воситасини бошқа товарга (мол-мулкка), шу жумладан қўчмас мулк ва автомобилотранспорт воситасига алмаштириш йўли билан мулк қилиб топшириш мажбуриятини олади.

Фуқаролик кодексининг 498-моддасида белгиланишича, агар айирбошлаш шартномасида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, айирбошланадиган товарлар тенг қийматли деб тахмин қилинади, уларни топшириш ва қабул қилиш харажатларини эса ҳар бир ҳолда тегишли мажбуриятларни бажарадиган тараф амалга оширади.

Айирбошлаш шартномасига мувофиқ айирбошланадиган товарлар тенг қийматли эмас деб тан олинган тақдирда, баҳоси айирбошлашга тақдим қилинаётган товар баҳосидан паст бўлган товарни топшириши лозим бўлган тараф, агар шартномада ҳақ тўлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, товар ёки товарни тасаруф қилиш ҳужжатлари топширилганидан сўнг баҳолардаги фарқни кечиктирмасдан тўлаши лозим.

Турар жой мулкдори ўзига тегишли турар жойни бошқа турар жойга ёки ўзга мол-мулкка Фуқаролик кодекси қоидаларига биноан айирбошлашга ҳақли.

Айирбошлаш шартномасига нисбатан, агар қонун ҳужжатларига ва айирбошлаш моҳиятига зид келмаса, тегишинча олди-сотди тўғрисидаги қоидалар (олди-сотди хусусида муфассалроқ қўлланма кўриш учун 103 – 108-саволларнинг жавобига қаранг) қўлланилади.

4.5. Қарз шартномаси

114. Қарз шартномаси замирида қандай ҳуқуқий муносабатлар ётади?

Қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчи) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёхуд қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайтдан бошлаб тузилган деб ҳисобланади (Фуқаролик кодексининг 732-моддаси).

115. Қарз шартномасини тузмокчи бўлган фуқаролар нималарга эътибор қилиши лозим?

Қарз шартномаси оддий ёзма шаклда ёки нотариал тасдиқланган ёзма шаклда тузилади.

Қарз шартномаси:

1) Қарз суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортқ бўлса;

2) шартнома тузётган тарафлардан бири юридик шахс бўлса (қарз суммасидан қатъи назар), ёзма шаклда тузилиши шарт.

Кундалик ҳаётда кўп учрайдиган қарз олганликни тасдиқлаш тариқасида берилган тилхат ёзма шаклда тузилган қарз шартномаси жумласига киради.

Қарз шартномасини, агар қарз суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ошадиган бўлса, нотариал тасдиқланган маълум.

116. Қарз шартномасида қандай шартлар кўрсатилиши керак?

Қарз шартномасида қуйидагилар акс эттирилган бўлиши лозим:

қарзга берилган ашёнинг хили, сифати, миқдори ва суммаси;

қарзни қайтариш муддати ва тартиби; қарзни вақтида қайтарилагани учун жавобгарлик; қарзнинг қайтариб берилишини таъминлаш мажбуриятлари; бошқа шартлар.

Фоизли шартномада булардан ташқари қарз юзасидан шартнома бўйича белгиланган фоизлар, уларни тўлаш тартиби ва муддати ҳам кўрсатилмоғи керак.

Муайян нарса (масалан, от, тўн, арра) ҳақ олмасдан, шундайча фойдаланиш учун бериб туришга (фойдаланиб бўлганидан сўнг эгасига қайтариш шarti билан) оид муносабатлар тартибга солинадиган эски, анъанавий орият шартномасидан фоизсиз қарз шартномасининг фарқи шундаки, ориятга берилган нарса келишувда белгиланган қайтариб бериш муддати келгунга қадар нобуд ёки ҳалок бўлган бўлса, тўланмайди, қарзга олинган нарса эса тўланади.

(Давоми бор)

МАМЛАКАТИМИЗ

«ЎЗБЕКИСТОН» ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИДА

«Ўзбекистон» миллий қомусининг бешинчи, олтинчи, еттинчи жилдлари айни вақтда босмага тахт қилиб қўйилди. Қомус нафақат олимлар, талабалар ва мактаб ўқувчилари учун, балки кенг китобхонлар оммаси — Ўзбекистон билан қизиқувчилар учун мўлжалланган.

— Навбатдаги жилдлар устида юзлаб мутахассислар меҳнат қилишди, — деди «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти директори профессор Нурислому Тўхлиев «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Еруғликка чиққан тўрт жилд мамлакатимизда ва хорижда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, Япония, Корея, Туркия, Америка Қўшма Штатлари, Афғонистон каби мамлакатлар олимлари қомусимизга астойдил қизиқишмоқда.

Жорий йилда, нашриёт: «Ислому» қомусини ўзбек тилида босмадан чиқариди. Файласуфлар, тарихчилар, диншунослар қомусни тузишда алоҳида фидойилик кўрсатишди.

— Бундан ташқари ўзбек тили изохли луғатининг икки жилдини нашр этишни режамизга киритганмиз, — дейди Н. Тўхлиев. — Мазкур нашр Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти билан ҳамкорликда тайёрланди. Шунингдек, инглиз тилида «Ўзбекистон» қомусий маълумотномаси катта нусхада босма-

дан чиқарилди. Маълумотнома хорижий фуқароларни мамлакатимиз тарихи, жўрофияси ва халқимизнинг урф-одатлари билан таништиришга мўлжалланган. Муқаддам ўзбек ва рус тилларида ёруғлик юзини кўрган мазкур маълумотномага хоришлик сайёҳ ва мутахассислар қизиқи. қолгани боис ҳам шу ишга қўл урдик, — деб таъкидлади Н. Тўхлиев.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриёти «Буюк Ипак йўли», «Аёллар энциклопедияси», «Болалар энциклопедияси» ва ҳамда мактаб ўқувчилари, лицей, коллеж талабалари учун дарслик, қўлланма, луғатлар чоп этган.

— Фарбдаги қомус тузувчи олимлар билан қизгин ҳамкорлик йўлга қўйганмиз, — деди нашриёт директори. — Бу борада «Россия энциклопедияси» ва япон, турк ҳамкасбларимиз билан яқин алоқадимиз. Айни вақтда илмий алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида Афғонистондан вакиллар келиши кутилмоқда.

«Туркистон-пресс»



Ёз — ўтмоқда соз. Мактаб ўқувчилари ёзги таътил бошланishi билан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида шаҳримиздаги мавжуд ўқимча таълим мажмуаларида ўзлари қизиққан тўғарақларга мунтазам қатнаб, санъат сирларини ўрганмоқдалар.

• ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

ЛОҚАЙД БЎЛМАЙЛИК

Бугун одатдагидан кўра эртароқ ишдан қайтар эканман, бўм-бўш ер ости йўлидан ўтиб, «Чилонзор» буюм бозори атрофи орқали трамвай бекатига етиб келдим. Трамвайда одам санокли. Чунки, бугун душанба — собиқ «Отчоплар» бозори ишламайдиган кун. Бироздан сўнг трамвай кўзгалди ва тўхтади, олд эшикдан 28-30 ёшлардаги кўзи ожиз киши қийналиб чиқиб олди. Ёшгина, хушбичини чиптачи қиз унга бўш жой топиб, ўтиришига кўмаклашди. Ҳалиги киши:

— Раҳмат, «Собир Раҳимов» метросига келсак айтарсиз — деб жойлашиброқ ўтирди. Мен эса чиптачи қизга меҳр билан қараб қолдим. Кўзи ожиз одам ёрдам берган қизга ихлосим ошиб, тўқилганиб кетдим. У одам ҳар бекатда ён атрофига қараб, «Собир Раҳимов»га келдикми деб сўраб қўярди. Орқароқда ўтирганним, бунинг устига одам сийрак бўлгани учун бемалол кузатиб келар эдим. Чиптачи қиз, «Кейингиси метро», деб одамларга чипта тарқатиб орқа томон юрди. Бироз юриб, метро бекатида тўхтаган трамвайдан кўлчилик тушиш учун кўзгалди. Кўзи ожиз киши иккиланиб, «Метрога етдикми, шу ер «Собир Раҳимов»ми?», деб тинимсиз сўраб эди. Тушайтганлар ўзлари билан овра, «тошбақариш» қилиб келган трамвайдан тезроқ қутулмоқчидек, ўзларини эшикка урардилар. Менинг ёнимдан тушиш учун кўзгалган йигитга:

— Ана у, кўзи ожиз одамга бекатга келганини айтиб, тушишига кўмаклашиб юборинг, илтимос, — дедим. У эса белисдан кулиб, тушиб кетди. Собир чидамай, ўрнимдан туриб, ожиз одамга келиб: «Собир Раҳимов» метро бекати шу ерда, тушаверинг», — дедим. У эса: «Эй одамларей, бир оғиз гапни айтиш шунча қийинми, мен сизлардан пул эмас, манзилнинг сўраганим», — деб пайпасланиб, одамларга туртишиб трамвайдан тушиб кетди. У тушиб кетди-ю, охириги сўзлари қулоқларим остида акс-садо бериб, вужудимни титратар эди. Ҳақиқатан ҳам бир оғиз сўз айтиш шунча қийинмиди. Умуман, уларга ёрдам бериш фақат чиптачи ёки ҳайдовчиларнинг бурчи эмас-ку. Ахир, савоб фақат муҳтожларга моддий ёрдам қилишда эмас, кўзимизга арзимас бўлиб кўринган ўша бир оғиз сўзи айтишда ёки...

Тўғри, ҳамма ҳам бир хил беъэтибор эмас, лекин, юқоридаги ва шунга ўхшаш воқеаларга онда-сонда дуч келаемиз. Келинг, азиз юртдошлар, лоқайдликдан бироз чекинайлик, атрофимизга ҳам назар ташлайлик. Бизнинг арзимас бир оғиз сўзимиз ёки кичкина ёрдамимизга муҳтожлардан вақтимизни аямайлик.

Қамола ҲАМИДОВА

• САНЪАТ

ЭНГ САРА ҚЎШИҚЛАР ЯНГРАДИ

Куй, қўшиқ инсонларни «сеҳрлаб», эзгуликлар сари чорлайди. Киши қалбда ажиб бир тароват уйғотиб нурли манзилларга етаклайди.

Яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Янги номлар» деб номланган фестиваль бўлиб ўтди. Унда Ҳамза номидаги мусиқа коллежи, цирк эстрада коллежи ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваториясидан 18 нафар талаба эстрада йўналишидаги қўшиқлари билан иштирок этишди. Фестивални Бастакорлар уюшмаси, «Соз» мусиқа маркази, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳамкорликда ўтказдилар.

Кечада Фарҳод Алимов, Алишер Икромов, Нозим Норхўжаев, Ойдин Абдуллаева каби бастакорларнинг янги, махсус эзилган қўшиқлари янгради.

— Танловни ўтказишдан мақсад, ёш эстрада юлдузларини танлаб олиш ва катта сахнага олиб чиқишдан иборатдир, — дейди санъат арбоби, таниқли бастакор Ҳабибулла Раҳимов.

Фестивалда биринчи ўринни цирк коллежи талабаси Наргиза Ҳамроева, иккинчи ўринни Ҳамза мусиқа коллежидан Хуршид Иноғомов, учинчи ўринни эса Фарҳод Алимов эгалладилар.

Фестивал сўнггида фольклор ҳомийлар томонидан муносиб совғалар билан тақдирланди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА

• Ватанпарварлик — ёлғиз ўз Ватанига меҳр қўйишдан иборатгина эмас. Бу жуда қалтис ҳис... Бу — Ватан билан ўзини бир бутунликда билиш, уни яхши-ёмон кунларида ақсотиш демекдир.

• Ҳар бир ватандошнинг энг асосли, энг муқаддас вазифаси Ватанини севиш ва унга ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача хизмат этишдир. Ватанимизга бўлган муҳаббат ва ҳурматимиз ҳеч бир нарса билан ўлча намолмайди.

• Ватан тарбиясини оила кучидан бошлаш лозимдир. Биласизки, кичик болаларда Ватан фикри бўлмайди. Улар учун Ватан — она кучоғидир. Болалар оилани сева-сева Ватанларини севишга кўникадилар. Бу эътибор билан оила муҳити Ватан муҳитининг асосини ташкил қилади. Оила муҳити эса оила кучоғида ва оила муносабатларида вужудга келгани учун Ватан муҳими ҳам дастлабки озини, дастлабки қувватини оила кучоғидан олади.

Оила аъзолари орасида нақадар қувватли боғланиш ва муҳаббат бўлса, Ватан муҳаббати ҳам шунча қувватли ва мустаҳкам бўлади. Ўз оиласи аъзоларига нисбатан туйғуга эга бўлмаган, уларга фидокорлик қилишни билмаган бир киши Ватанга ҳам фидокорлик туйғуси билан туйғулана олмайди.

Хулоса: Ватан тарбиясида дастлабки вазифа оилага оиддир. Авлодимизга тўлиқ Ватан муҳитини бериш учун, аввало уларнинг кўнгилларига қувватни бир оила муҳитини синдиришимиз, шу билан бирга ватандошларимизга нисбатан муҳаббат ҳисларини уйғотишимиз лозим.

Оила муҳити Ватан муҳитининг муқаддаси, биринчи босқичи эканини унутмайлик.

Байт:

Ватанга нафи йўқ яшалган

ҳар кун,

Инсон ҳаётида қолур

бемазмун.

• Нотинч кўнгилга ширин уйку келмайди.

• Тинч яшашни истасанг, пасткаш одам билан душманчилик қилма.

• Молу пулинг кетса кетсин, аммо вақтинги зое кетказма.

• Тинчлик ва осойишталикдан ҳам кўра улуғроқ неъмат бўлмайди.

• Ривоят қилдиларки, бир кун жинларнинг подшоси Сулаймонга оби-ҳаёт сувини олиб келтиради. Уни ичиш-ичмаслигини билмаган Сулаймон бир доно дарвешдан маслаҳат сўрайди.

— Бу сувни ичсанг, ўлим нималигини билмайсан, то қиёматгача яшайсан, — деди дарвеш унга. — Аммо сенинг барча ёрдушларинг, яқинларинг ўлиб кетишди, сен бегоналар орасида якка моховедек бўлиб қолсан.

Бу сўзни эшитган Сулаймон оби-ҳаёт сувини ичмади.

Байт:

Яхшилар кетидан агар

чопарсан,

Истагинг, бахтингни шундан

топарсан.

• Инсоннинг чеккан заҳмат ва машаққати унинг тили ва жаҳли сабаб бўлади. Сукут инсонга саломатлик бағишлайди.

• Инсонни ҳайвондан ажратадиган хоссалардан биринчиси: ақл, одоб-тарбия, сўзлаш қуввати ва тилдир.

• АСКИЯЧИЛАР ТАРИХИДАН

БАРЧАГА КУЛГУ УЛАШИБ

Эрка Қори 1877 йили деҳқон хонадонидан таваллуд топган. Бир ярим ашарлигида чечак касаллигига чалиниб, икки кўзи ожиз бўлиб қолган. Хотираси кучли, зеҳни ўткир Эрка Қорида ашулга, санъатга ишқибозлик эрта уйғонганди. У бир марта эшитган кўшиқ сўзларини дарров ёдлаб олди. Ўтган асрнинг 30-йиллари тенгдоши Мамаюнус Тиллабоев билан танишди. Ўша-ўша икки истеъдод эгаси ўртасида ижодий ҳамкорлик бошланди, улар секин-аста Фарғонадаги аскиячиларга устоз сифатида танила бошлади. Бу икки дўст ўртасида ҳазил-хузил ва аския пайровлари деярли ҳар кун бўлиб турган. Кўзи ожиз бўлишига қарамай, Эрка Қоридан кўзи очик Мамаюнус кўпинча пайровларда англанди. Ҳатто бир кун автомашина эҳтиёт қисмлари номлари пайровида аския бўлиб ўтади. Пайров охирида «Энди қўяқолинг, Мамаюнус, сиздан шофёр чиқмайди, Калберитур (карбиюратор) тутаб кетяпти», дея рақибининг лақабига ишора қилиб, уни Эрка Қори мот қилган.

1937 йили Ўзбек адабиёти ва санъати декадасига

Москвага поездда кетаётганида вагон деразасидан қараб атрофини томоша қилаётган Мамаюнус мудраб ўтирган шеригини туртиб олди:

— Туринг, Қори ака! Кўр отба (курортга) етиб келдингиз, ана қаранг!

Шунда Эрка Қори деразага қараб, жавоб қилибди: — Ҳоликмай қолинг, Мамаюнус! Бу ер Шўртепа-ку! — дея унинг лақабига ишора қилган экан.

Москвага борганларида эса улкан театр сахнасида Эрка Қори кўлига ликопча олиб, «Бог аро» катта ашуласини мусикасиз, микрофонсиз ижро этиб, томошабинларни ҳайратда қолдиради. Юсуфжон қизик бошчилигидаги аския пайровлари ва кизиқчиликларга қўшилиб, ҳаммага кулги улашади.

Ана шундай ўткир зеҳни ҳофиз ва аскиячи, Ўзбекистон халқ артисти — Эрка Қори Каримов 1957 йили 80 ёшида вафот этади.

Куйида Эрка Қори Каримов билан Мамаюнус Тиллабоев ўртасида бўлиб ўтган пайровлардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

БЕДАНА ПАЙРОВИ

Эрка Қори — Мамаюнус ака, хали ҳам ЖўЖАлигингизча юрибсизми, дейман. ДОН олишингизнинг мазаси йўқ.

Мамаюнус — Э Қори ака, ҳозир об-тобидаман, келаверинг, ҚУНОҚ-ЛАШАМИЗ.

Эрка Қори — Биров қанотларингизнинг тагига СУВ ПУРКАБ қўйган шекилли, даврага тушолмай, мунгайиб турибсиз!

Мамаюнус — Ҳа деб, ПАШШАлашавериб, бизнинг ЖўЖАни ҳам ишдан чиқариб қўйдимиз, энди сизнинг эски ТУЛЛАГИНИГИЗга ярамикан?

Эрка Қори — Қочоққа тобим йўқ, яхшиси МАЛЛАНИ олиб келинг.

Мамаюнус — Уришсангиз ҳалол уришинг-да, узокдан ЗАРБ қилган, келганимда елкангиздан ошириб юборманг!

Эрка Қори — ОСИЛГАНИГИЗЧА

тураверасизми, ё тўрқовоқни аққа-баққа ҚИМИРЛАТИБ қўяйинми?

Эрка Қори — Шамолда қолднгизми, дейман, «ВИҚ-ВИҚ, ВИҚ-ВИҚ»лаб қолдингиз.

Мамаюнус — Совуқ уриб кетдим, дейман, «УСТИМ ЯП-ЯЛАНГ, УСТИМ ЯП-ЯЛАНГ» деб, сайраганингиз сайраган.

Эрка Қори — Калтакнинг зарбиданми, бошингизни тўрға ишқаб, «ТАТАЛАНГ-ТАТАЛАНГ!» дейсиз-а?!

Мамаюнус — Сайрашда адашиб қолиб, баҳона қиялсиз. «ОҒЗИМ ТИРТИҚ — ОҒЗИМ ТИРТИҚ!» — деб.

Эрка Қори — Тавба! Худди ем-ҳашакка ўчдай «ТЕР-ТИРИТ, ТЕР-ТИРИТ!» деб дудуғланиб қоляпсиз-а!

Мамаюнус — Қори ака, мана бедана пайрови ҳам «СИП-СИЛЛИҚ» чиқди.

Эрка Қори — Агар шу касб сизга маъқул тушган бўлса, киш келганида САЙРОҒИНИГИЗга товламачиликни қилиб ўтираверинг!

АВТОМОБИЛЬ ЭҲТИЁТ ҚИСМАРИ ҲАҚИДА

Мамаюнус — Қори ака, маданиялашиб, «Москвич» машинаси сотиб олибсизу, баъзи чапани шофёрларга ўхшаб, дарахга уриб, ЧИРОҒИНИ ўчириб қўйибсиз-а?!

Эрка Қори — Ҳой Мамаюнус! Сиз ёнимда бўлсангиз, чироксиз ҳам ҳайдайверман. Одамзоднинг маданиялашгани яхши-да, бўлмаса қачонгача сизга ўхшаб КАЛ ЯСКАни минаман.

Мамаюнус — Чироғнинг ўчиб-ёниб, ўчиб-ёниб туришидан машина моторига бир гап бўлгандир. АКА МУЛЛА ТУРИНГ (аккумулятор), тузатамиз.

Эрка Қори — Тузатиш ўзимнинг ҳам қўлимдан келади. Менга ҳалақат берманг, сиздан шофёр чиқмайди, қўйинг. Агар жаҳлим чиқса КАЛ БЕРИ ТУР машинадан дейман!

Олим ҚУЧКОРБЕКОВ тайёрлади.

• СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Марказий Ҳарбий спорт клуби стадионида беш кун давомида камондан отиш бўйича Ўзбекистон очик чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Эркалар ва аёллар ўртасида ташкил этилган мусобақаларда Фарғона, Самарқанд, Бухоро вилояти ва Тошкент шаҳрининг 37 нафар уста мерганлари ўзаро куч синашишди.



ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ОЛДИДАН

Мусобақа шу йилнинг август ойида АҚШда бўлиб ўтадиган 42-жаҳон чемпионатига тайёргарлик доирасида ўтказилган, жаҳон чемпионатида эса 2004 йилги олимпиадага лицензиялар соҳиблари маълум бўлиши сабабли кескин ва муросасиз баҳсларга бой тарзда ўтди.

Кўп кунлик курашлардан сўнг Эркалар ўртасида самарқандлик Эмет Умаров Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритди. Кейинги

совринли ўринлар Ильдар Сайфуллин (Тошкент) ва бухоролик Замир Аҳмедовларга насиб этди. Ўсмирлар ўртасида дастлабки икки совринли ўрин Фарғона вилояти вакиллари Виктор Бобин ва Радион Гайнурлинларга насиб этди. Ҳамшаҳримиз Фафур Йўлдошев учинчи бўлди.

Аёллар баҳсида Мунира Нурматова (Самарқанд)га тенг келадиганлар топилмади. Тошкентлик Валерия Кириленко учинчи ўринни эгаллади.

Ва ниҳоят 1985 йилда тугилган қизлар ўртасида ҳам Мунира Нурматова ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори погонасидан жой олди. Тошкентлик спортчилар Дилдора Расулёва ва Валерия Кириленколар иккинчи ва учинчи ўринларни банд этишди.

Барча голиб ва совриндорлар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: мусобақадан лавҳа.

Сув ҳавзасида — матонатлилар

Марказий Ҳарбий спорт клуби сув ҳавзасида имкониятлари чекланган кишилар (ногиронлар) ўртасида сузиш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда шаҳар ногиронлар жамияти ҳамкорликда ташкил этишди.

Албатта, мусобақа давомида юқори натижалар кўрсатилмаган бўлса-да, ногирон спортчилар ўз маҳоратларини имкон даражасида намойиш қилишга интилишди.

Шундай қилиб, кўрсатилган натижалар сарҳисоб қилинганда, эркалар ўртасида Шавкат Идрисов, Александр Свиридов ва Фарход Исмоилов, аёллар баҳсида эса Алина Умурзоқова, Елена Вострикова ва Любовь Чуприниналар голиб ва совриндорлар сафидан ўрин оlishди.

Уларга ташкилотчилар томонидан ажратилган совғалар, дипломлар тақдим этилди.

Шариф НУРМАНОВ

Спорт

«Камолот» Кубоги учун

Пойтахтимизда баскетбол бўйича ёшлар ўртасида «Камолот» Кубоги бахсларининг республика босқичи бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси «Маҳалла» жамғармаси ҳамда турли корхона-ташкilotлар ҳамкорликларидан уюштирилган тадбир байрамона тус олди. Ёзги таътил кунларида ўқувчиларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, уларнинг баскетболга бўлган меҳрини ошириш, муҳими маҳаллаларда ҳам баскетболни оммавийлаштириш мақсадида уюштирилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда бошқа вилоятлар жамоалари иштирок этишди.

Полвонларимиз Эронга боришади

«Жар» спорт мажмуида ёшлар ўртасида кураш бўйича мамлакат биринчилиги беллашувлари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардан ташриф буюрган ёш полвонлар голиблик учун кескин кураш олиб боришди. Мурсасиз беллашувлар остида ўтган баҳслар якунида голиблар аниқланди. Ўз вази тоифаларида голиб бўлган ёш полвонларимиз Эронда ўтадиган жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Сузувчи қизлар беллашди

Куни кеча пойтахтимизда синхрон сузиш бўйича «Соғлом авлод учун» жамғармасининг соврини учун турнир ўтказилди. Унда Тошкент шаҳри ҳамда Сирдарё вилояти сузувчи қизлари иштирок этишди. Мазкур мусобақаларнинг яққалик ва жуфтлик ўйналишларида голиблик учун кечган мурсасиз баҳслар якунида пойтахтликлар биринчи ўринни эгаллашди ва мутасаддилар томонидан таъсис этилган совринлар эсдалик совғаларига эга бўлишди.

Акбар Йўлдошев

Табиб Абдуғаффор АБДУЛЛАЕВ

Собир Раҳимов тумани, Сағбон кўчаси, 166-уйда — «Гўзарбоши» маҳалласи биносида даволаш муолажасини ўтказмоқда. Бош оғриғи, бел, юрак, ошқозон, буйрак оғриғи, қўрқув касаллигига биринчи таъсир этиб оғриғини тўхтади. Гиёвандларни фикрини ўзгартирган ҳолда даволайди.

Манзил: «Чорсу» бозоридан Чорсу — Келес йўналиши бўйича «Кўштут» бекатига борилади.

Тел: 40-39-66.

Қабул вақти ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача.

ТАБИАТ АЖОЙИБОТЛАРИ

БАЛИҚЛАР ҲАМ ЧАҚАДИМИ?

Маълумки барча балиқ турлари сувда эриган кислород билан нафас олишга мослашган. Гап шундаки, ҳар қандай газ босими юқори бўлган жойдан босими паст бўлган томонга қараб ҳаракат қилади.

Балиқ қонида оса кислород босими сувдаги босимга нисбатан паст бўлади. Шунинг учун ҳам сувдаги кислород жабралар орқали балиқ қонига ўтади. Кислороднинг миқдори ҳаво таркибида кўп бўладими ёки балиқ нафас оладиган сувдами? Биз нафас оладиган ҳавода кислороднинг миқдори ҳажмига кўра 21 фоизни ташкил этади. Сувда кислород азотга қараганда икки баробар зиёда эриydi. Яъни сувда эриган ҳаво таркибида 34 фоиз кислород бўлади. Шунинг учун ҳам балиқ яшаётган сувда кислороднинг миқдори қамайиб қолса кўпинча балиқлар сувнинг бетига чиқиб нафас олади, чунки сувнинг юза қат-

ламларида кислород нисбатан кўп бўлади. Бундай манзара-ни аквариумда яшаётган балиқлар ҳаётида кузатиш мумкин.

Ўтган асрда яшаб ўтган саёхатчи денгизчи Кук Тинч океанининг жанубий қисмидаги орол яқинидан бир балиқни тутди ва уни пиширишни буюрди. Бу балиқдан кўпроқ тановул қилган бир ҳарбий эртасига ҳалок бўлди. Озгина тановул қилганлар хушидан кетган, бу балиқ организмда жуда ўткир зарҳол модда бор экан.

Кук томонидан аниқланган балиқнинг 40 тага яқин тури фанга маълум, ҳар хил халқлар томонидан мазкур балиққа турлича ном берилган. Инг-

лизлар Баллон балиқ, Гавай оролларида Маки-маки дейишади. Японияда Фугу, Индонезияда Блазер, Испанияда Ботете деб аташади. Мазкур балиқларнинг барча оила вакиллари йилнинг деярли ҳар бир мавсумига қараб ўзгариб туради.

Японияда ана шу балиқдан 176 киши заҳарланган. Шундан 90 нафарни ҳалок бўлган.

Мазкур балиқлардан кўпчилик кишиларнинг қурбон бўлиши муносабати билан Япония олимлари ана шу балиқ заҳарини ўрганиш ишларини ўтган асрдаёқ бошлаган эдилар. 1883 йили Токио шаҳрида яшовчи И.Такаро балиқдан тоза ҳолда заҳар ажратиб олди ва унга тетра-

дотоксин деб ном берди. Ундан тайёрланган препарат таркибида 2 фоиз заҳар бўлиб тиббиётда оғриқни қолдирадиган дори сифатида қўлланилади. Фақатгина 1950 йлга келиб мулақ соф ҳолдаги, яъни кристалл ҳолдаги тетрадотоксин олинди.

Худди ана шундай заҳарли модда сувда ва қуруқликда яшовчилар вакили бўлган Калифорния тритонининг, тухуми ва эмбриониди мавжудлиги аниқланди.

Австралия ва янги Зеландия қирғоқларидаги сувда яшовчи балиқлар жуда хавфлидир. Уларнинг танаси игналар билан қопланган. Денгиз тубида ётган балиқни оддий бир тош деб қабул қилиш мумкин. Бундай балиқларнинг заҳаридан чидаб бўлмайдиган даражада оғриқ пайдо бўлади. У оқибат натижада асаб касаллигини келтириб чиқаради.

Яхё ДАВЛАТОВ, биология фанлари доктори.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даражасида ўтказиш ва қарз ҳисобига ундириш учун хатлашиб банд солинган автомобилотранспорт воситаларининг кимовши савдоси ўтказилади.

1. «Фольксваген» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 R 08-45, бошланғич нархи 1 800 000 сўм, техник носоз.
2. «Иж-2715» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AQ 806, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз.
3. «Москвич-2141» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 S 23-76, бошланғич нархи 633 480 сўм, техник носоз.
4. «Санг-Енг-Корандо» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 4 000 000 сўм, техник носоз.
5. «Нексия» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 O 84-00, бошланғич нархи 1 200 000 сўм, техник носоз.
6. «Ваз-2107» автомобили, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами O 821 HO 99, бошланғич нархи 1 500 000 сўм, техник носоз.
7. «ГАЗ-5201» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AK 985, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз.
8. «ГАЗ-52» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз.

9. «Газ-52» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 D 58-32, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз.
10. «КАВЗ-664» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 10 АД 209, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз.
11. «Газ-52» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AP 718, бошланғич нархи 750 000 сўм.
12. «ГАЗ-53» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AP 717, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз.
13. «Газ-5204» автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AP 419, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз.
14. «Авиа-А-31» автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 63-94 ТНП, бошланғич нархи 1 300 000 сўм, техник носоз.

Ушбу автотранспорт воситаларининг кимовши савдоси 2003 йил 9 июль куни соат 14.00 да суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳар, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават. Маълумот учун телефонлар: 41-16-38, 144-54-08, 144-88-01.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни ва «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низомга асосан республика хўжалик судларининг Малака ҳайъати хўжалик судлари судьялигига номзодлар заҳирасини такомиллаштириш, уларни танлаш ва жой-жойига қўйишда ошкораликни таъминлаш мақсадида судьяликка номзодлар заҳирасига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар хўжалик судининг судьяликка номзодлар танловида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда, давлат ва жамоат ташкilotларида ишловчи, олий юридик маълумотга эга, юридик соҳада уч йилдан ортиқ фаолият кўрсатган, ёши 25 дан юқори бўлган, муқаддам судланмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қатнашиши мумкин.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахслар Тошкент шаҳар хўжалик судининг Малака комиссиясига ариза, сўровнома, таржимаи ҳол, охириги иш жойидан тавсифнома, диплом, паспорт ва меҳнат дафтарчасидан нусха тақдим этган ҳолда мурожаат қилишлари мумкин.

Маълумот учун манзил: Тошкент шаҳар, Чўпонота кўчаси, 6-уй. Тел. 77-87-85, ички тел. 201, 203. Комиссия котиби Ш. Полвонов

Тошкент шаҳар хўжалик судининг жамоатчилик асосидаги Малака комиссияси



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4204 нусхада босилади. Қоғоз битими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида Ўзбекистон билан рўйхатга олинган

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқарови. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.